

Тафриқага бўлинишнинг диний ва дунёвий зарарлари



06:17 / 24.08.2018 4986

Бугунги жумъа мавъизасида имом-хатибларимиз "Тафриқага бўлинишнинг диний ва дунёвий зарарлари" мавзусида маъруза қиладилар. Бу ҳақда [ЎМИ расмий сайтида хабар берилмоқда.](#)

ميجرللا ن مجرللا ه ل ل م س ب

Муҳтарам жамоат! Аллоҳ таоло инсонларни бир ота ва бир онадан пайдо қилиб, уларни Ер юзи бўйлаб турли хил миллат ва элатлар шаклида тарқатиб юборди. Инсонларнинг бу каби хилма-хиллиги фитрий бўлиб, Аллоҳ таоло уни илоҳий ҳикмат ила жорий қилди. Яъни, бу бўлиниш ажралиш учун эмас, балки бирлашиш ва ўзаро яқинлашиш учун эканлигини Қуръони каримда баён қилди:

لَّيْسَ بِقَوْمٍ اَبُو عَشْرٍ مِّمَّنْ كَانَلْعَجْوَىٰ تَنْ اُوْرَكَذْ نَمُّ مِّمَّنْ كَانَلْعَلَّخِ اَنْ اِسْ اَلْا اَهْيَا اَي
رِي بَخُّ مِي لَعَّ ه ل ل ا ن ا مِّمَّنْ كَانَلْعَلَّ ل ا دَنْ ع مِّمَّنْ مَرَّكَ ا ن ا اُوْفَرَا ع ل
(روس) (13/تارح ل)

яъни: **“Эй, инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик.Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир”** (Хужурот сураси, 13-оят).

Динимизда мана шу ҳақиқатни баён қилиш орқали инсонларни бирликда ва ҳамжиҳатликда яшашга даъват этилади.

Айни пайтда динимиз бизларни ўзаро ихтилоф қилишдан, тафриқага бўлинишимиздан қайтаради. Зеро, ихтилоф ва тафриқа инсонларни бир-бирдан узоқлаштиради, ўртада адоват ва фитна пайдо бўлишига сабаб бўлади. Айниқса, динда тафриқага бўлиниш залолат саналиб, инсоннинг икки дунёсини ҳам барбод бўлишига олиб боради. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай деган:

ذٰلِكَ الَّذِي عَلَّمَكُم بِلِسَانِكُمْ مَا لَمْ يَكُن لَكُم بِلِسَانِكُمْ سَمْعًا وَبَصَرًا وَفِي هَذِهِ آيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَعْلَمُونَ
وَإِن كُنْتُمْ تُحِبُّونَ الْوَدَاعَةَ فَلْيَمَّازُكُم بِهَا وَلَا يَكُن لَكُم مِّنْهَا حِمْلٌ
وَإِن كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ
(103/анарме л а ерос) ن وَوَدَّتْ هَت م ك ل ل ع ل

яъни: **“Ҳаммангиз Аллоҳнинг “арқони”ни (Қуръонини) маҳкам тутинг ва фирқаларга бўлинманг ҳамда ўзаро адоватда бўлган пайтларингизда дилларингизни (туташтириб) ошно қилиб қўйган Аллоҳнинг неъматини ёдда тутинг! Унинг неъматини туфайли биродарларга айландингиз. Дўзах чоҳи ёқасида турганингизда, сизларни ундан қутқарди. Шояд ҳақ йўлни топгайсизлар, деб, Аллоҳ Ўз оятларини сизларга шундай баён қилади”**

(Оли Имрон сураси, 103-оят).

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Ўзининг каломи бўлмиш Қуръони каримни **“маҳкам тутиш”**га буюрмоқда. Шунчаки, уни **“ушланг”** демаяпти. Чунки, ушланган нарса гоҳида беҳосдан қўлдан тушиб кетиши мумкин. Аммо маҳкам тутилганда, уни ҳар қандай ҳолатда ҳам қўлдан қўйиб юбормасликка ҳаракат қилинади. Қолаверса, оятда бу ишни жамоат бўлиб, барча биргаликда қилишга буюрилмоқда. Акс ҳолда, ҳар ким ўз ҳолича бўлса, ўртада тафовут, келишмовчилик, тафриқа чиқиши табиий ҳолдир. Шунинг учун оятнинг давомида **“фирқаларга бўлинманг!”** дейилмоқда.

Ҳозирги кунда биз Аллоҳ таолонинг бу амрини тўғри тушуниб олишимиз керак. **“Фирқаларга бўлинманг!”** дедими, биз ўзаро низо ва адоватларни йиғиштириб, фирқаларга бўлинишни тўхтатишимиз керак.

Қачонки бизлар Қуръони Каримни маҳкам тутиш учун бирлашиб, ёнма-ён турар эканмиз, ораларимиздаги адоват ҳам йўқола бошлайди, ўзаро ҳамжиҳатлик ривож топади. Қуръоннинг мўъжизаси ҳам шунда, аслида. Бир тарафдан Аллоҳ таолонинг **“фирқаларга бўлинманг!”** деган оятларини зикр қилиб турсагу, бошқа тарафдан олимларни, имомларни, мазҳабларни, бошқа мусулмонларни ва улар қилаётган ишларни танқид қилиб турсак, оятга зид иш қилган бўлмаймизми?! Дарвоқеъ, кейинги пайтларда ижтимоий тармоқлар орқали уламоларни, бошқа мўминларни, диний ташкилотларни танқид қиладиганлар кўпайиб кетди. Ҳолбуки, ояти каримада мўминларнинг биродар бўлиб яшашлари Аллоҳнинг неъматидир эканлиги, айнан биродарлик туфайлигина дўзах чоҳи ёқасидан омон қолиш мумкин эканлиги эслатилмоқда. Бошқа бир оятда эса Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилган:

**مُّهُرَمَّا مِّنْ يَّسْرِ يَوْمًا مَّا تَسْلَىٰ شِئْءٌ مِنْهُ يَوْمًا يُؤْتِرُكَ نِيَدًا نَّارًا
مُّهُرَمَّا مِّنْ يَّسْرِ يَوْمًا مَّا تَسْلَىٰ شِئْءٌ مِنْهُ يَوْمًا يُؤْتِرُكَ نِيَدًا نَّارًا** (159/М/Анъом/Ерос).

яъни: **“Динларини (фирқаларга) бўлиб, (турли) гуруҳларга айланганлар (учун) бирор нарсада (Сиз масъул) эмассиз. Уларнинг иши Аллоҳга (ҳавола). Сўнгра (У) уларни қилиб юрган амалларидан огоҳ қилур”** (Анъом сураси, 159-оят).

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло тафриқа ва гуруҳбозликка олиб борадиган низо ҳамда ихтилофларни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларида бошқа деб, уни ҳидоят йўлига тескари йўл, деб ҳисобламоқда. Аллоҳ таоло бу оятда тафриқа ва гуруҳбозлик Пайғамбаримизнинг умматларига муносиб эмаслигини қаттиқ таъкидламоқда.

**إِنَّمَا سَوَّاهُ يَوْمًا مَّا تَسْلَىٰ شِئْءٌ مِنْهُ يَوْمًا يُؤْتِرُكَ نِيَدًا نَّارًا
نَوْمًا مَّا تَسْلَىٰ شِئْءٌ مِنْهُ يَوْمًا يُؤْتِرُكَ نِيَدًا نَّارًا
الْوَأَعِي مَجَّهًا لِّلْبَحْبِ أَوْ مَصَّنَعَتًا نَّوَأَوَّيَّ شِئْءٌ مِنْهُ يَوْمًا يُؤْتِرُكَ نِيَدًا نَّارًا
مَّا تَسْلَىٰ شِئْءٌ مِنْهُ يَوْمًا يُؤْتِرُكَ نِيَدًا نَّارًا** (М/Анъом/Ерос).

яъни: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Албатта Аллоҳ таоло сизлар учун уч**

